


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

**5340500 -Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини
шилаң чиқарии
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Мансур Маласа таңырысының Ресей Оркандың
жазылыштырылған мәдениеттегі меморандумы



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти;
- МЧЖ “ВЕТОМАХ ВЕTON” заводи.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4-сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишиладир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.2.	<i>5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	5
2.	<i>5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</i>	7
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	7
2.2.	<i>5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i>	7
3.	<i>5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i>	10
3.1.	Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	10
3.2.	<i>5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми</i>	13

1. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

1- жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати

ва унга мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражা)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб хисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

—мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

—таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

—ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари

(ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

—битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

—олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

—олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

—таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши-фан ва техника соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, излаш, тайёрлаш, стандартлаш, тадқик қилиш, саклашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари мажмуасини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўкув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.

1.2.2. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

-курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини тайёрлашда кўлланиладиган хом-ашё ва материаллар;

-курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиялари ва жихозлари;

-курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш жараённада сифатини назорат этиш жарёнлари.

5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

—курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш;

—маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кечадиган жараёнларни ташкил қилиш;

– қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиялари;

– қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш учун сифатли машина, ускуналар ва технологияларни танлаб кўллаш.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришилар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олинини назарда тутилади.

1.2.3. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳа-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик(ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида).

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5340500 -Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

– магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўкишни куйидаги мутахасисликларда давом эттириши мумкин:

-5A340501-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариши;

-5A340502-Деворбоп ва иссиқлик изоляцияловчи курилиши материаллари технологияси;

-5A340503-Пардозбоп материаллар технологияси;

-5A320101-Материалшунослик ва материаллар технологияси (курилиши).

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5340500 -Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётини нуктаи назарга;

- дунёкараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни хисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишланиши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқкув ва кўнікмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарииш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни кўллаш;
- технолог бўлиб ишлаш;
- хом ашё, ёрдамчи материаллар вам маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- амалдаги технологик асбоб ускуналарининг ишлашини таъминлаш, уларни ярокли холатда ушлаб туриш;
- таёр маҳсулотни сифатини назорат қилиш;
- курилиш материалларидан фойдаланиш соҳаларида намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда кўллаш;
- курилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланиш жараёнларидаги технологик интизомга риоя қилиш;
- инновацион технологияларни ва янги қурилиш материалларини кўллаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилияларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш жараёнлари фаолияти
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимидан фойдаланиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикrlар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш **қобилияларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:

- хом ашё ва материалларнинг тузилиши, физик-механик ва кимёвий хоссалари;
- маҳсулотларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари;
- моддий баланс, ишлаб чиқариш режимлари ва нормалари;
- ишлаб чиқаришнинг асосий (технологик) ва ёрдамчи жараёнлари;
- технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш;
- хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузиш;
- лоиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал

ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равища қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

Фойдаланиш ва сервис хизмат кўрсатишида:

- курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини фойдаланишга топшириш қоидаларини билиши;
- курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини буюртмачининг талабига биноан синовлардан ўтказиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, курилмалар, материаллар ва янги турдаги қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг таркиби ва технологиясини амалиётга тадбик этиш, конструкцияларни синовдан ўтказиша зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий техникавий маълумотларни йиғиш, олинган маълумотларни тизимлаштириш, тахлил қилиш ва хуроса чиқаришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот, лойиха институтлари ва баҳолаш консалтинг хизмати марказларида ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориша иштирок этиш;
- ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- қасбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойихаларини ўрганиш;
- республика ва ҳорижда чоп этилган илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш, топиш ва амалиётга қўллаш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбик этишда катнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Педагогик фаолиятида (ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида):

- ўрта маҳсус қасб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва тахлил этиш;
- интернет тармоғида ўқитиладиган фанлардан энг янги дарслик ва ўқув материалларини қидириш, топиш ва ўқув жараёнига тадбик этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабхаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

3. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии бакалавриат таълим йўналиши ўқув режа ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар, табиий-илмий фанлар;
умумкасбий фанлар;
ихтисослик фанлар;
қўшимча фанлар.

Касб фаолияти қўнималарини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофик равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар, табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим

йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар, табиий-илмий фанлар блокига кўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий илмий фанлар бўйича:

ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш йўллари, физиковий қонуниятлар ва кимёвий жараёнлар тўғрисида тушунчага эга бўлиши, улар тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш ҳамда тадқиқ этиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; фуқаролик жамиятини қуриш тамойиллари;

инсон фалсафий карашлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

коинотнинг табиий обьект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги диний тасаввурларни шакллантириши;

ўзбек (рус) тили, адабиёти ва у ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш; хорижий тил, луғат ва грамматикасини билишни шакллантириш;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

олий математика, аналитик геометрия, ҷизиқли алгебра, комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси, математиканинг асосий тушунчалари ва услубларини;

курилишда ахборот технологиялари бўйича билимни шакллантириш;

курилишда ва техникавий обектларда энг оддий физиковий тизимнинг маделларидан фойдаланишни;

кимёвий жараёнлар, анорганик кимё, дисперс тизимлар, кимёвий ва фазовий муозанатдан фойдаланишни билиши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ қасб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

қасб фаолияти доирасидаги вазифаларни амалга ошириш учун талаб этиладиган муҳандислик соҳасидаги умумкасбий фанлардан етарли билимларга эга бўлиши, кўйилган вазифаларни амалга ошириш учун фаннинг қонуниятларини билиши ва курилиш соҳасида уларни амалда қўллаши;

ҷизма геометрия ва муҳандислик графикаси, бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш ҷизмасини танлашни ва уларнинг кинематик анализини, таъсир ҷизиқлар назариясини;

балка ва тўсинларнинг оғирлик маркази, моментини ва реакция кучларини аниқлаш;

курилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнида модданинг физик-кимёвий ўзгаришлари;

грунт ва тоғ жинслари турлари ва хоссаларини билишни;

архитектуравий лойиҳалаш асосларини;

курилиш материаллари ва буюмларининг синфланишини;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда метрология ва стандартлаштириш усулларини;

курилиш материаллари технологиясида қўлланиладиган жараён ва аппаратларни;

конструкция элементлари ва уларнинг хисоблаш чизмасини танлашни;

курилиш индустрясининг технологик ускуналарини;

хаёт фаолияти хавфсизлиги ва атроф-мухит муҳофазасини;

курилиш материаллари саноатида инновацион технологияларни;

войиҳалаш асосларини билиши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти қўнималари ва ўқувларини шакллантириши;

бетон ва темир-бетон конструкцияларини тайёрлашда бетон учун ишлатиладиган материалларнинг теркибини;

темир-бетон конструкцияларни хисоблашнинг қоидалари ва конструкцияларини лойиҳалашни;

пардозлаш ва иссиқлик изоляция материалларини хом ашёси, технологияси, ишлатиш соҳаларини;

курилиш материаллари корхоналарини жойлаштириш хусусиятлари, илмий-техник прогресс, асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш корхоналар тизимини билиши лозим;

тўлдирувчилар хомашёларининг таркиби, физик-механик хоссалари ва таснифланишини, ишлаб чиқариш технологиясини;

боғловчи моддаларнинг турлари, таркиби, хоссалари ва ишлаб чиқариш технологиясини, қуруқ қурилиш қоришмалари таркибини ва ишлатиш соҳаларини;

иссиқлик техник ускуналарини тузилиши ва улардан фойдаланишни билиши лозим.

Таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларнинг дастурларини ишлаб чиқишида кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини кондириши;

курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялар ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг баркарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишилаб чиқариши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим - 62,7%;

аттестация - 7,8 %;

таътил - 15,7 %;

малакавий амалиёт - 10,8 %;

битириув малакавий иши химояси билан - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ишлаб чиқарish ва техник соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар, табиий-илмий фанлар 29,7 %;

умумкасбий фанлар 43,7 %;

ихтисослик фанлар 22,4 %;

қўшимча фанлар 4,2 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

5340500-Қурилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишилаб чиқариш бакалавриат таълим йўналиши бўйича тълим дастурининг тузилиши

Т.р.	Фан блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар, табиий-илмий фанлар	2063
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Олий математика	369
1.09	Қурилишда ахборот технологиялари	383
1.10	Физика	210
1.11	Қурилиш кимёси	119
2.00	Умумкасбий фанлар	3008
2.01	Касбий психология	50
2.02	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	279
2.03	Қурилиш механикаси	600
2.04	Органик ва физик кимё	139
2.05	Геология, минералогия ва петрография асослари	139
2.06	Архитектура	269
2.07	Қурилиш материаллари ва буюмлари	264
2.08	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш	96
2.09	Қурилиш материаллари технологиясида жараён ва аппаратлар	156
2.10	Қурилиш конструкциялари	206
2.11	Қурилиш индустрисининг технологик ускуналари	96
2.12	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси	156
2.13	Қурилиш материаллари саноатида инновацион технологиялар	156
2.14	Лойиҳалаш асослари	96
2.15	<i>Танлов фанлари</i>	306
3.00	Ихтисослик фанлари	1553
3.01	Бетон ва темир-бетон технологияси	317
3.02	Корхоналарда тайёрланган қурилиш конструкциялари	206
3.03	Пардозлаш ва иссиқлик изоляция материаллари	206

3.04	Курилиш материаллари корхоналарининг иқтисодиёти	232
3.05	Бетон тўлдирувчилар технологияси	232
3.06	Боғловчи моддалар	206
3.07	Иссиқлик техник ускуналари	154
4.00	Қўшимча фанлар	288
	Жами	6912
	Малакавий амалиёт	1188
	Битирув малакавий иши ҳимояси билан	324
	Аттестациялар	864
	Жами	2376
	Ҳаммаси	9288

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, бетон коришмасининг хусусиятлари, силикат бетонлар, бикрлик, эгилувчанлик, деформация, арматура маҳсулотлари, кассета усули, агрегат кетма-кетлик усули, стенд усули, конвейер усули, коррозия, қолиплаш, колонна, ригель, фундамент блоклари, плиталар, йигма темир-бетон конструкциялари, қоришка, қолиплар, бетон ва темир-бетон конструкциялари.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда
кадрлар истеъмолчилари
ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректор Р.Р. Ҳакимов
2018 йил «3» август

МЧЖ “BETOMAX BETON” заводи

Директор О.Ю. Федотов
2018 йил «3» август

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини
Ривожлантириш маркази



Тошкент темир йўл мұхандислари институти

Ректор М.Х. Расулов
2018 йил «8» август














“Куйлук кўприк темир-бетон конструкциялари

тажриба заводи” унитар корхонаси
Директор Б. Шагазатов
2018 йил «8» август



Тошкент архитектура қурилиш институти 5340500-Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режани ишлаб чиқувчи Ишчи гурӯҳ таркиби

T/р	Ишчи гурӯҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	А. Мирисаев	ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т. ф.н., доц. Аъзолари:	
2	С. Махкамов	ТАҚИ ўқув бўлими бошлиги, т.ф.н., доцент	
3	С. Нарбаев	Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети декани, т.ф.н., доцент	
4	И. Алиев	Бино ва иншоотлар факультети декани п.ф.н., доцент	
5	О. Маманазаров	Қурилишни бошқариш факультети декани, и.ф.н., доцент	
6	З. Шадманова	Қурилиш механикаси ва бино иншоотлар зилзила бардошлилиги кафедра мудири, т.ф.н., доцент	
7	У. Юсупов	Бино иншоотлари кафедра мудири, т.ф.н. доцент	
8	А. Турдиев	Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедра мудири, и.ф.н.доцент.	
9	И. Давлетов	Менежмент кафедра мудири, и.ф.н. доцент	
10	Ш. Хуррамов	Математика ва табиий фанлар кафедраси мудири т.ф.н., профессор	
11	Н. Махмудова	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси доценти, т.ф.н.	
12	Ш. Рахимов	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси катта ўқитувчиси	
13	Г. Утегенова	Қорақалпоғистон Давлат Университети, “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси мудири	
14	Юсупов Х.В.	СамДАКИ “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедра мудири	
15	С.Холмирзаев	Намангандик қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедра мудири	
16	И.Бозоров	Жиззах Политехника институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедра катта ўқитувчиси	
17	Х.А.Маматов	Фарғона Политехника институти “Уй жой коммунал ва маишӣ хизмат тармоқлар сервиси” кафедраси ассистенти	




Ректор

Ўқув ишлари бўйича проректор

Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети декани

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедра мудири



М. ў.

R.P. Ҳакимов

А.Ў. Мирисаев










С.М. Нарбаев



Т.Т. Шакиров

Тошкент архитектура қурилиш институти 5340500-Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналишига ишлаб чиқилган малака мазмуни бўйича ишли гурӯхнинг келишув варақаси

№	Ишли гурӯх раиси ва аъзолари	Аъзоларнинг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва узвони	Имзо
1	Раис	А.Мирисаев	ТАҚИ ўкув ишлари проректори, т.ф.н., доцент	
Аъзолар:				
2	Аъзо	С.Махкамов	ТАҚИ ўкув бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент	
3	Аъзо	С.Нарбаев	Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети декани, т.ф.н., доцент	
4	Аъзо	И.Алиев	Бино ва иншоотлар факультети декани п.ф.н., доцент	
5	Аъзо	О.Маманазаров	Курилишни бошқариш факультети декани, и.ф.н., доцент	
6	Аъзо	З.Шадманова	Курилиш механикаси ва бино иншоотлар зилзила бардошлилиги кафедра мудири т.ф.н., доцент	
7	Аъзо	У.Юсупов	Бино иншоотлари кафедра мудири т.ф.н. доцент	
8	Аъзо	А.Турдиев	Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедра мудири, и.ф.н.доцент.	
9	Аъзо	И.Давлетов	Менежмент кафедра мудири, и.ф.н. доцент	
10	Аъзо	Т.Шакиров	Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедра мудири, т.ф.н. доцент	
11	Аъзо	Х.Акрамов	Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси, т.ф.д. профессор	
12	Аъзо	Н.Махмудова	Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси, т.ф.н. доцент	
13	Аъзо	Х.Камилов	Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси, т.ф.н. доцент	



Ректор

Ўкув ишлари

бўйича проректор

Ўкув бўлими бошлиғи

Факультет декани

P.P. Ҳакимов

А.Ў. Мирисаев

С.Х. Махкамов

С.М. Нарбаев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта ахусс таълим вазирлигининг Тошкент архитектура курилиш институти бакалари таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари

№	Бакалавриат таълим йўналиши		<p>Бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари</p> <p>Касбий фаолиятнинг соҳалари: фан ва техника соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, излаш, тайёрлаш, стандартлаш, тадқик қилиш, сақлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усууллари мажмуасини қамраб олади.</p>
	шифри	Номи	
	5340500	Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	<p>Касбий фаолиятнинг объектлари: курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини тайёрлашда кўлланиладиган хом-ашё ва материаллар, курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлари, курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда сифатини назорат этиш жарёнлари.</p> <p>Касбий фаолиятнинг турлари: ишлаб чиқариш-технологик ташкилий – бошқарув; лойиха-конструкторлик; фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш; илмий - тадқикот; педагогик (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида).</p> <p>Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари: -курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; -маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кечадиган жараёнларни ташкил қилиш; -курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиялари; -курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш учун сифатли машина, ускуналар ва технологияларни танлаб қўллаш.</p>
			 <p>МЧЖ “ВЕТОМАХ БЕТОН” заводи директори</p> <p>О.Ю. Федотов</p>

Таълим бўйича маъсул бўлинма раҳбари

Кадрлар бўлими бошлиғи

**5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии
таълим йўналишининг малака талабига**

ТАҚРИЗ

*5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарии
таълим йўналишининг малака талабни ишлаб чиқиша бакалавриат битирувчиларига
кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари хисобга олинган.*

Ушбу малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифалари, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Махкамасининг карор ва фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талабда таълим йўналишининг қўлланиш соҳаси, бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи ва объектлари, касбий фаолият турлари, давом эттириш имкониятлари, бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўқув режа ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар келтирилган.

Малака талаб асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустакил фикрлаш, юксак касбий малакавий қўникума шаклланиши таъминланган.

Ушбу малака талаб халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуклари, иқтисодий устиворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни хисобга олган ҳолда илмий асосланган.

**МЧЖ “ВЕТОМАХ БЕТОН”
зарубежный
директори**



О.Ю. Федотов

**5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарни
таълим йўналишининг малака талабига**

ТАҚРИЗ


5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний Давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар), таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши, шунингдек, ўрнатилган тартибда мустакил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган умумий талаблар ёритилган.

Ушбу малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг максади ва вазифалари, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган хамда Президент, Вазирлар Махкамасининг карор ва фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талабда таълим йўналишининг кўлланиш соҳаси, бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи ва объектлари, касбий фаолият турлари, давом эттириш имкониятлари, бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига кўйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўкув режа ва фан дастурлари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар келтирилган.

Малака талаб асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустакил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланган.

Ушбу малака талаб халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуклари, иқтисодий устиворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда кўйиладиган талабларни хисобга олган холда илмий асосланган.



**“Куйлук кўприк темир-бетон
конструкциялари тажриба заводи”**

КУНДАРЛОРХОНАСИ ДИРЕКТОРИ

Б.Х. Шагазатов

5340500-Курилиши материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарши

таълим йўналишининг малака талабига

ТАҚРИЗ

5340500-Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фандастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний Давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар), таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик кайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши, шунингдек, ўрнатилган тартибда мустакил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ёритилган.

Ушбу малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифалари, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган хамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармёнларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талабда таълим йўналишининг қўлланиш соҳаси, бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи ва объектлари, касбий фаолият турлари, давом эттириш имкониятлари, бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўқув режа ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар келтирилган.

Малака талаб асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустакил фикрлаш, юксак касбий малакавий қўникма шаклланиши таъминланган.

Ушбу малака талаб ҳалкаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиши даражаси ва ютуклари, иқтисодий устиворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни хисобга олган ҳолда илмий асосланган.

МЧЖ “Бинокор темир-бетон сервис”

заводи директори



Б.А. Сабуров

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишида иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли карорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топширигига белгиланган вазифалар хамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хати ижроси таъминлаш мақсадида Тошкент архитектура-курилиш институтида қайта ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

“8” 08 2018 й.

Тошкент ш.

Катнандилар:-Р.Ҳакимов-Тошкент архитектура курилиш институти ректори Р.Ҳакимов, А.Мирисаев-ТАҚИ ўкув ишлари бўйича проректори, Б.Эргашев-НамМҚИ ўкув ишлари бўйича проректори, С.Махкамов-ТАҚИ ўкув бўлими бошлиги, М.Хаджибеков-СамДАҚИ ўкув бўлими бошлиги, А.Кўчимов-ЖизПИ ўкув бўлими бошлиги, Т.Жўраев-НамМҚИ-ўкув бўлими бошлиги, Р.Ходжаев-ТАҚИ магистратура бўлими бошлиги, И.Алиев-ТАҚИ Бино ва иншоотлар факультети декани, Ш.Рейимбоев-ТАҚИ Архитектура факультети декани, С.Нарбаев-ТАҚИ Мухандислик курилиш инфраструктураси факультети декани, И.Бозоров, Н.Тошматов, М.Алиев-ЖизПИ кафедра мудирлари, Р.Ачиздинев, С.Бобоев, Қ.Якубов, А.Мирзаев, А.Уралов-СамДАҚИ кафедра мудирлари, М.Хонксидиев, А.Мирзаев, М.Узбоев- СамДАҚИ профессор-ўқитувчилири, Ж.Ахмедов, М.Толинов, М.Давлатов, Х.Маматов – ФарПИ кафедра мудирлари, С.Абдурахмонов, С.Холмирзаев, Ш.Жўраев-НамМҚИ кафедра мудирлари, Ш.Мирзаев-БухМТИ кафедра мудири, Э.Акимов-УрДУ кафедра мудири, Б.Қидирбаев, Р.Курбанбаев, Г.Утегенова-КҚДУ кафедра мудирлари, З.Аматов, Б.Қаландаров-ТерДУ кафедра мудирлари, ТАҚИниң барча мутахассислик кафедраси мудирлари, Қ.Рахимов-Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси.

КУН ТАРТИБИ

